



*Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!*

Zarrafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@mail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 22-sentyabr, seshanba, 106 (23.386)-son

Кун ҳикмати

Фарзандингизда

мактабга

байрамга

борадигандек

кайфият уйғота

билинг



Сайёр қабул сабоқлари

Вилоят ҳокими Э.Турдимовнинг навбатдаги қабули 19 сентябрь куни Паст Дарғом туманида бўлиб ўтди. Қабул давомида 450 дан кўпроқ фуқаролар турли масалалар бўйича вилоятнинг сектор раҳбарларига мурожаат қилди.

Тахлилларга кўра, асосан уй-жой билан таъминлаш, моддий ёрдам, даволанишда кўмак ҳамда ичимлик суви масалаларида мурожаатлар бўлди. Иш сўраган, интернет хизматлари сифатидан норози бўлганлар ҳам вилоят ҳокими қабулига келган. Албатта, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш ва зарур қарор қабул қилиш учун мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

АНИҚ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ РЕЖА ЙЎҚМИ?

Шу ўринда кишини бир ўй қийнайди: ҳар бир сайёр қабулда электр тармоқларининг маънан эскирган симёғочларини янги, замонавийсига алмаштириш бўйича ўнлаб мурожаатлар қайд этилмоқда. Нега мутасаддилар бу борада аниқ режа, дастур ишлаб чиқиб, жорий йилнинг якунига қадар фалон тумanning мана бу маҳаллаларидаги шунча симёғоч янгиланади, деган ахборотни бутун жамоатчиликка маълум қилмайди? Бундай ахборотда келгуси йилда бу иш фалон ҳудудларда амалга оширилади, дейилса мутасаддилар қабулда беҳуда вақт йўқотмаган бўлармиди? Мавжуд имкониятдан келиб чиқиб, чириб бўлган симёғочларни алмаштиришни 20... йилда якунлаймиз, деган аниқ маълумот бўлса, одамлар ҳам ҳуда-беҳуда вилоят ҳокимининг вақтини олмаган, мурожаат қилиш эмас, назорат билан шуғулланган бўлармиди?!

Ўзи умуман, қабуллар якунига ҳеч бўлмаганда туман бўйича алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, соҳалар кесимида аниқ ва узоқ муддатли режалар тузиб олинса, мақсадга мувофиқ эмасми?!

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛСИН!

Сайёр қабул ўзини ҳурмат қилган, озгина мушоҳада юритадиган раҳбарлар ва масъуллар

учун яхшигина сабоқ бўлди. Негаки, маҳалладаги ичимлик суви ёки бошқа кўпчилик манфаатини ифодаловчи мурожаатларда вилоят ҳокими маҳалла раисини чақиртирди. Муаммо ёки масаладан хабари бор ёки йўқлиги билан қизикди. Бу борада тумандаги мутасаддилар ёки сектор раҳбарларига нега мурожаат қилмаганини сўради.

“Сайёр қабул давомида тўрачилик, бюрократик тўсиқларга учраган фуқароларнинг дардини тинглаган вилоят ҳокими вилоят прокуратурасидан масъуллар ишига ҳуқуқий баҳо беришни сўради. Хусусан, ўз иши, эгаллаб турган лавозим мажбуриятларини лозим даражада бажармаётган 10 га яқин масъулиятсиз мутасаддиларга нисбатан маъмурий чора кўриш таклиф қилинди.

“ИШГА КИРМОҚЧИ ЭДИМ”

Паст Дарғом туманида ўтказилган сайёр қабулда ҳам бошқа ҳудудларда бўлгани каби ишга кириш масаласида мурожаат қилганлар анчагина бўлди. Албатта, бу мурожаатлар бўйича вилоят ҳокими тегишли идораларга зарур топшириқларни берди. Ишга жойлаштириш адолатли, энг муҳими, тўланадиган ҳақ қоникарли даражада бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Шу ўринда бир гап. Ёдингизда бўлса, вилоят ҳокими йил бошида ҳам тиббиёт ташкилотларига ходимларни ишга олишда 0.25-0.5 ставкалардан воз кечиш кераклиги, қабул навбат асосида, адолатли йўлга қўйилиши кераклигини қайд қилганди. Бу гал ҳам туман тиббиёт бирлашмаси фаолияти мисолида ушбу масала кўтарилди ва мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг жорий йилнинг 28 августдаги сессияси қарори билан 2020 йилнинг 4 октябрь, якшанба куни халқ депутатлари вилоят Кенгашида бўлаб қолган депутатлик ўринлари учун сайловлар ўтказилиши белгиланган.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон Халқ

демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик партияси вилоят кенгашлари томонидан халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, Сайлов кодексининг 20, 90, 91, 92-моддаларига мувофиқ 19 сентябрь куни номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди (номзодлар рўйхати газетанинг 2-саҳифасида).

Эслатиб ўтамиз, сайловлар амалдаги қонун ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йил 26 августдаги қарори билан тасдиқланган COVID-19 пандемияси даврида бўлаб қолган ўринларга депутатлар сайловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари асосида ташкил қилинади ва ўтказилади.



аҳолини камбағалликдан чиқарадими?



- Фаровонликка эришиш, аҳолини рози қилиш албатта маблағга, ишсизликни камайтиришга бориб тақалади, - дейди Ш. Негматов. – 2017 йилда давлатимиз раҳбарининг туманимизга ташрифи чоғида бизга катта вазифалар қўйилди ва кластер корхоналарини ташкил қилиш бўйича йўналишлар белгилаб берилди. Мисол учун, пахтачилик тармоғи катта зарар билан

Иштихон тумани вилоятимизнинг иқтисодий салоҳияти юқори, бой тарих ва маданиятга эга ҳудудларидан бири ҳисобланади. Бир пайтлар фақат аграр соҳага ихтисослашган туманда бугун саноат, ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланиб бормоқда. Ислохотларнинг туб замирида аҳолини рози қилиш, уларни иш билан таъминлаш, моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадлари кўзланган. Хўш, бунга қандай эришилмоқда. Туман ҳокими Шухрат Негматов билан суҳбатимиз ўзгараётган Иштихон, бугунги ташвишлар ва истиқболдаги режалар ҳусусида бўлди.

Иштихон туманида пахтани қайта ишлаш борасида камида иккита корхона қуриш лозимлигини белгилаб берди. Шу йўналишда иш олиб бориб, бир йилда кластер корхонаси ва қиймати 30 миллион долларлик текстиль корхонаси ташкил этдик, 1,5 мингта иш ўрни яратилди. Бундай йирик корхоналарнинг очилиши туманимизда

тадбиркорликнинг ривожланишига, саноат тармоқларидаги янги имкониятларнинг очилишига туртки берди.

Бу ишларнинг мантиқий давоми сифатида Митан шаҳарчасида 200 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаш имконига эга иккита трикотаж фабрикаси ишга тушириляпти. Халқобод маҳалласида ҳам 150 нафар қишлоқ аёллари бандлигини таъминловчи тикувчилик корхонаси очилмоқда.

- Рақамларга қарайдиган бўлсак, туманда импорт салмоғи жуда юқори. Бу маҳсулотни қайта ишлаш тармоқлари ривожланмаганидан далолат берадими?

- Ҳақиқатан ҳам туманимизга 10 миллион 136 минг долларлик маҳсулот импорт қилинган. Лекин импорт таркибида 9,8 миллион долларлик асбоб-ускуналар келтирилган. Бу туманда тадбиркорлик, саноат ривожланаётганидан далолат. Бу йил 82 та лойиҳа устида иш олиб бораёلمиз, ҳозиргача уларнинг 54 таси ишга тушди ва йил якунигача барча лойиҳалар фаолият бошлайди. Импортни камайтиришдаги муҳим жиҳатлардан бири ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш. Бу йўналишда ҳозиргача туманимиздаги корхоналарда юк автомобиллари ва автобуслар учун ички ёриткичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Кейинги йилда мото ва мини культиватор, кичик тадбиркорлик субъектлари сони 1300 та эди, ҳозир фаолият юритаётган субъектлар 1700 дан ошди.

Туманда ишлаб чиқариш ривожланаётгани аҳолининг ҳам тадбиркорликка қизиқиши ортисига олиб келди. Масалан, ўтган йили туманимизда рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 1300 та эди, ҳозир фаолият юритаётган субъектлар 1700 дан ошди.

2-саҳифа >>>

Алам сўзи ҳозирда кўпроқ рухий азобланиш, қийналиш мазмунида ишлатилади. «Алам қилсин!» деганда кимгадир азоб берганимиз билан ғурурланамиз. «Алам қилганда, энди қай-тараяпти...» деганда, бировга ножўя гапирганимизни оқлаб, яна уни гуноҳдор қилмоқчи бўламиз.

Қачондир, қайсидир адолатсиз ҳаракатдан юракда пайдо бўлган алам, агар даволанмаса, аламзадаликка айланади. Аламзадалик эса, ҳаётий тажрибамда кўраепманки, тузаладиган иллатга ўхшамайди. Мабодо унга ҳасад ва қасд қўшилса, одамлар ўртасидаги кўп йиллик низога айланади. Буни дунё миқёсида давлатлар, халқлар ўртасида ҳамон давом этиб келаётган низо ва урушлардан ҳам билса бўлади.

АЛАМЗАДАЛИК қаердан пайдо бўлади?

Шу сабабли халқимизда «қайтар дунё» деган нақл бор.

Алам бор нарса, унинг сабаби ҳам аниқ – адолатсизлик. Ҳатто гашга тегишдан бошланадиган оддий ҳаракат ҳам жабрланувчида алам пайдо қилиши мумкин. «Сезувчи ва зарарсиз нарсаларга алам етказишдан лаззат олувчи ҳар бир кишидан Худо ўч олсин» деб ёзган Абу Райҳон Беруний.

Бу бежиз айтилмаган. Чунки алам инсон вужудида қасд олиш туйғусини ҳосил қилади. Аламзада инсонга жамият манфаати ҳеч гап эмас: у фақат ўзига озор етказган кишидан ўч олиш пайида бўлади, инсоннинг яхши ишлари ҳам ёмон кўринаверади, у бошқариб турган ташкилотни ҳам душман ўрнида билади.

Алам аслида мансабдан ёки мавқеадан фойдаланиб, кимгадир озор етказишдан бошланади. Бугун идораларга тушадиган шикоятлар, ижтимоий тармоқлардаги мурожаатларни ўрганган ҳар бир киши бунга англаши қийин эмас. Шу сабабли давлатимиз раҳбари тўрачиликнинг манбаи ҳисобланган инсон омилни камайтириш чораларини кўрмоқда.

Баъзан раҳбарлар ўз ходими, мавқелилар эса ўзидан кичик ёки ожизларга билиб-билмай ё атайин озор етказганда шу ишнинг гуноҳлигини англаб етмайди, «кўзини очиб кўяман» деб ўйлайди. Дилдаги ана шу озор бориб-бориб аламга айланади. Бояқиш жабрдийда шикоят қилса, дардини эшитиш ўрнига баъзан уни

«ёзувчи» деб ёмон кўрамиз. Аламзадалик туфайли у чиндан ҳам кўзига ёмон кўринган барча ҳолатни ёзаверади. Унда нафақат ўзини ишсиз, моддий ёрдамсиз қолдирган раҳбарга, балки жамиятга нисбатан ҳам ишонч йўқолади. Марҳамат, агар ишонмасангиз, ҳар ойда ўнлаб идораларга турли мавзуда шикоят ёзаётган «ўжар» шахс тақдирини ўрганинг, у билан дилдан бир суҳбатлашинг, ўзингиз бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Аламзадаликнинг яна бир нозик манбаси бор. Бу ҳолат манфаат билан боғлиқ. Гап қайсидир сабаб билан мансабдан кетган, доимо келиб турган даромадидан ажралган кишилар устида бормоқда. Бундай тоифадагиларнинг баъзилари эсон-омон пенсияга

чиққанига шукр қилиш ўрнига ўзларини аламзада кўрсатишга интилади. Бу ҳолатга вақти келиб мен ҳам, ушбун ўқиётган сиз ҳам тушишингиз мумкин. Фақат бу ҳолатга ҳар ким ўз савияси даражасида қарайди.

Барчамиз сезяпмиз, аламзадалик оилавий низоларга кўпроқ сабаб бўлаётир. Эр-хотиннинг раҳми, бир-бирига ишончсизлиги хонадонда нотинч муҳит яратмоқда. Бундай жанжалларга оиланинг бошқа аъзоларининг қўшилиши эса аламзадаликни катта қозонда қайнатиб юбораяпти. Қўшни ака-уканинг, ота-боланинг, ҳатто опа-сингилларнинг битта мурося билан битадиган муаммоси уларнинг бир-бирига алами учун йиллар давомида ўнлаб идораларнинг ўрганиш объектига айланиб қолган.

Ҳаммасидан ёмони ҳасаднинг аламга айлангани. Ўзининг қўлидан иш келмаган айрим кимсалар меҳнати туфайли нимагадир эришган қўшниси, маҳалладаши устидан ёзгани-ёзган. Тағин ўзининг ёнини олмаганларни ҳам ёмон кўради, ўзини адолатпеша қилиб кўрсатади.

Хўш, бировга алам қиладиган даражада озор етказмаслик, ҳолатни аламзадаликка олиб бормасликнинг иложи борми?

Албатта, бу саволга турлича жавоб бўлиши табиий. Муҳими, ана шу саволни ҳар ким ўзига доимо эслатиб туришида. Менимча, раҳбар киши ўз ходимларига муносабатда адолат ва ошкоралик тамойилларига риоя этиши, ота-она фарзандларига меҳр-оқибат, маслаҳат барча низоларга барҳам бериши тўғрисида айтиб туриши зарур. Умуман жамиятдаги очиклик ва ошкоралик ҳар қандай одил инсондан ҳам кўпроқ самара беради, деб ўйлайман.

Билиб-билмай кимгадир озор етказиб қўйса, вақт топиб, самимият билан унинг кўнглидан ўша аламни чиқаришга уринайлик. Ҳаракат ёки сўзимишдан аламни одам шундай муносабатни ўзимизга ҳам қўллашни унутмайлик. Бировга озор беришдан, аламни бўлишдан барчамизни Яратганининг ўзи асрасин.

Фармон ТОШЕВ.

Вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Эгаллаб турган лавозими	Доимий яшаш жойи	Номзод кўрсатган сиёсий партиянинг номи
24-Митан сайлов округи					
Жўраев Аскар Суёнович	1982 йил	ХДП	Иштихон тумани жисмоний тарбия ва спорт бўйича бош мутахассиси	Иштихон тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Каримов Обид Абдирасулович	1982 йил	Экологик партия	Иштихон тумани 83-умумий ўрта таълим мактаби директори	Иштихон тумани	Ўзбекистон Экологик партияси
Киличев Маъсуд Содикович	1985 йил,	“Адолат” СДП	Иштихон тумани тиббиёт бирлашмаси марказий поликлиника болалар ортопед-травматолог врач	Иштихон тумани	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси
Назаров Фарход Шарипович	1975 йил	МТДП	Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари	Самарқанд шаҳри	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси
Узоқов Дийёр Донієрович	1979 йил	ЎзЛиДеП	Иштихон педагогика коллежи директори	Иштихон тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал демократик партияси
35-Мирбозор сайлов округи					
Ботиров Нуриддин Меҳридинович	1966 йил	ЎзЛиДеП	Нарпай тумангаз бўлими етакчи муҳандиси	Нарпай тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал демократик партияси
Дияров Жаҳонгир Тошпулатович	1979 йил	ЎзХДП	Нарпай тумани «Тошпулат Дияров» фермер хўжалиги бошлиғи	Нарпай тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Дусмуродов Шоди Хамраевич	1965 йил	ЎзМТДП	Нарпай тумани “Нарпай Машъали” муқобил машина трактор парк	Нарпай тумани	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси
Жураев Ёдгорбек Хасанович	1978 йил	Экологик партия	Вилоят ҳудудий «Агропилла» масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси	Пахтачи тумани	Ўзбекистон Экологик партияси
Худойбердиев Аваз-жон Эгамбердиевич	1973 йил	“Адолат”СДП	Нарпай тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари	Нарпай тумани	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси
50-Дўстлик сайлов округи					
Журабеков Бахтиёр Жамолович	1973 йил	“Адолат” СДП	Хусусий тадбиркор	Самарқанд тумани	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси
Каримов Ботур Наимович	1967 йил	Экологик партия	Вилоят “Агрокимёхима” ҳудудий акциядорлик жамияти Самарқанд тумани филиали мудири	Самарқанд тумани	Ўзбекистон Экологик партияси
Каримов Зафар Нуруллаевич	1973 йил	ЎзЛиДеП	“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати вилоят ҳудудий бўлинимаси раҳбари – вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси	Ургут тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал демократик партияси
Тагаев Ғуломжон Жамолович	1982 йил	ЎзХДП	Самарқанд тумани касб-хунар мактаби директори	Нурота тумани	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Усаров Ғазлиддин Худойбердиевич	1961 йил	ЎзМТДП	“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг Са-марқанд тумани филиали бошқарувчиси	Паст Дарғом тумани	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси

COVID-19 дан даволанганлар орасида хитойликлар ҳам бор

Коронавирус инфекциясига чалинган беморларни марказлашган ҳолда даволаш, уларга тезкор ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида Самарқанд шаҳрида 1080 ўринли даволаш ва тақсимлаш маркази ташкил этилган эди. Шу йилнинг 10 августидан фаолият бошлаган мазкур муассасада айни пайтда вилоятимизнинг барча ҳудудларидан COVID-19 ни юктирган беморлар келиб даволанмоқда. Уларга 400 нафардан ортиқ тиббиёт ходими хизмат кўрсатяпти. Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Аҳмаджон Бобожонов ҳам марказ иш бошлаганидан буён шу ерда ишлаяпти, мазкур муассаса масъулларидан бири А.Бобожонов билан телефон орқали боғланиб, бугунги вазият ҳақида сўрадик.



– Ўтган қирқ кундан ортиқ даврда бу ерда минглаб беморлар даволанди, – деди **А.Бобожонов**. – Шифокор ва ҳамширалар, умуман, бу даргоҳда меҳнат қилаётган барча тиббиёт ходимларимиз ўз зиммасига юклатилган вазифани тўн-у кун чин дилдан бажармоқда. Марказда иш ёки дам олиш кўни, кун ёки тўн деган тушунча йўқ. 24 соат бир хил суратда иш кетмоқда. Тўғри, иш вақти белгиланган, маълум бир тартиб ва қоидалар амал қилади. Лекин бир ходим ишни тугатиб кетса, унинг ўрнида бошқиси ишни давом эттиради. Жараён тўлиқ видеокузатув остида, қайси бемор қандай ҳолатда эканлиги доимий назоратда.

– **Эшитишимизча, ўзингиз 48 кундан буён шу ерда экансиз. Уйга боришга чўчияпсизми ёки бу ердаги вазият шуни тақозо этиятими?**

– Аввал марказ фаолиятини йўлга қўйиб олгунча, энди эса шу ишга масъул сифатида тўн-у кун шу ерда бўлишимга тўғри келмоқда. Уйга борганимда ҳам барибир ҳаёлим шу ерда бўлади ва хотиржам ўтиролмайман. Оилам билан телефон орқали ҳар кўни гаплашиб турибмиз. Худога шукр, ҳаммамиз соғ-саломатмиз. Муҳими шу ҳозир.

– **Ўзингиз касал юктиришдан қўрқмаяпсизми?**

– Бу ерда иш бошлашимдан аввал касаллиқни бошимдан ўтказгандим. Лекин бу энди коронавирусдан холиман, дегани эмас. Белгиланган санитария-гигиена қоидаларига тўла амал қиламан, барча тиббий талабларни бажараман. Бошқа

ходимлардан ҳам шуни талаб қиламиз. Пандемия барчаимиздан – у тиббиёт ходимими ёки бошқа соҳа кишисими, кекса ёки ёшми шахсий гигиена, тозалик ва орасталикка, белгиланган карантин қоидаларига қатъий амал қилишни тақозо этмоқда.

– **Марказда беморлар учун яратилган шароит, дори-дармон таъминотида муаммолар юзага келмаяптими?**

– Қарийб 30 йиллик тиббиёт ходими сифатида айтишни мумкинки, шу пайтгача бундай таъминотни кўрмаганман. COVID-19 ни аниқлаш ва даволаш учун қандай тиббий жиҳоз керак бўлса (компьютер тамографиясини айтмаганда), барчаси шу ерга келтирилган. Тахлиллар ҳам марказда олинади, бошқа касаллик белгилари ҳам аниқланиб, беморлар аниқ ташхис асосида даволанади. 252 та реанимацион жой мавжуд, 24 соат кислород узлуксизлиги таъминланган. Коронавирусни даволаш учун барча дори воситалари етарли. Озиқ-овқат таъминоти автосрсинг асосида йўлга қўйилган. Беморларга тўрт маҳал овқат берилади. Марказга мутахассислар тегишли комиссия томонидан танлов асосида ишга қабул қилинмоқда. Бундан ташқари, шу пайтгача Россия, Германия ва бошқа давлатлардан малакали тиббиёт ходимлари келиб, фаолиятимиз билан танишди, улар билан ўзаро тажриба алмашдик. Германиялик бир нафар мутахассис 20 кўн биз билан бирга ишлади.

– **Айни пайтда вилоятимизнинг қайси ҳудудларидан беморлар кўп келяпти?**

– Беморлар неча кўнда соғаймоқда?

– 7 кўнда саломатлигини тиклаётганлар ҳам, 20 кўн даволанаётганлар ҳам бор. Беморларнинг марказда бўлиши ўртача 10-12 кўнни ташкил этияпти.

– **Ўртимизда коронавирус қайд этилганига 6 ойдан ошди. Дастлабки пайтда учраган касаллик белгилари ва даво муолажалари билан бугунгиси ўртасида қандай фарқлар бор?**

– Бугун аниқланаётган вирус тез ривожланаётгани ва кўп асоратлар қолдираётгани билан март ёки июнь ойида қайд этилган касалликдан фарқланаяпти. Шунга қараб даво муолажалари ҳам Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Соғлиқни сақлаш вазирлиғи кўрсатма ва тавсиялари асосида олиб боришмоқда. Кўп таъкидланаётганидек, коронавирус сурункали касалликларидан инсонларда, кексаларда оғир кечаяпти. Шунинг учун юртошларимиз биринчи навбатда ўз саломатликларига бефарқ бўлмасликларини, бугун айтаётган қоидалар, тиббий тавсияларга қатъий риоя этишларини сўраймиз. Ҳар бир инсон касал бўлмасдан олдин саломатлиғи қадрига етиши, ўзини асраши керак. Фаол жисмоний ҳаракат, соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш ҳар қандай касаллик, жумладан, коронавирусга чалинмаслиқнинг ҳам асосий шартидир.

– **Аҳмаджон Султонбоевич, вақт ажратиб саволларимизга жавоб берганингиз учун раҳмат!**

Ғолиб ҲАСАНОВ сўхбатлашди.



ИШТИХОН МАЙИЗИ-Ю ШАФРАН ГУЛИ

аҳолини камбағалликдан чиқарадими?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Киритилаётган сармоялар ҳақида тўхталадиган бўлсак, аввал ҳам инвестиция ҳақида гапирилди, лекин инвесторнинг қаердан, қандай келишини кўпм хис қилмасдик. Бугун тўғридан-тўғри Хитойнинг ўзидан 1 миллион 400 минг долларлик маблағ киритилиб, неча йиллардан буён фойдаланилмаётган мрамор конларидан маҳсулот олиш бошланди. Сармоядорлар яна 10 миллион доллар инвестиция киритиб, бу соҳани экспорт даражасига олиб чиқиш ва туманимизда бу йўналишда саноат кластерини ташкил этиш бўйича иш олиб бормоқда. Қолаверса, инвестиция дастури асосида туманимизда жорий йилда 146 миллиард сўмлик 89 та лойиҳани ишга тушириб, 800 дан ортиқ иш ўрни яратишни мақсад қилганмиз. 2019 йилнинг 9 ойида 229 миллиард сўмлик 34 та лойиҳа ишга туширилиб, 570 та иш ўрни яратилган бўлса, бу йил шу мuddатда 67 миллиард сўмлик 54 та лойиҳа ишга тушди ва 400 га яқин иш ўрни яратилди. Яна йил якунига қадар 79 миллиард сўмлик 35 та қувватни ишга тушириб 400 дан ортиқ аҳоли бандлигини таъминлаш ниятидамиз. Ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиши билан бирга кўплаб ижтимоий соҳа объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Туман марказидан ўтувчи катта йўлни таъмирлаш учун 20 миллиард сўм маблағ ажратилиб реконструкция ишлари бошланган.

Қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар ва янгилликлар ҳақида нима дей оласиз?

– Туманимизда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 30 750 гектар ер бор ва шундан 18 минг гектардан ортиғи суғориладиган майдон ҳисобланади. Ўтган йили 2491 гектар майдонда сув тежовчи технологиялар ўрнатилган бўлса, бу йил 508 гектар лалми майдон ана шундай технологиялар билан жиҳозланди. 2021 йилда эса 700 гектар пахта майдони ва 1000 гектар лалми майдонга шундай суғоришни жорий этиш режалаштирилган. Чорвачилик, паррандачилиги, баллиқчилик тармоқларида ҳам янги ва йирик лойиҳалар ишга туширилди. Жорий йилда 17 нафар маҳаллий инвестор томонидан 508 гектар майдондаги узумзорга 11 миллиард 684 миллион сўмлик томчилатиб суғориш технологияси ўрнатилди ва 300 кишининг бандлиги таъминланди.

Ҳозирда туманимиздаги 5300 гектар узумзордан 53 минг тонна ҳосил ва ундан 13 минг тоннадан ортиқ экспортбоп майиз олинади. Демак, ўрта ҳисобда майизнинг ўзидан 13 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш

имконияти бор. Экспортёр корхоналаримиз Эрон, Туркия давлатларига маҳсулот чиқаришни бошлади. БАА, Афғонистон, Хитой, Россия, Қозоғистон билан ҳамкорлик шартномалари тузилмоқда. 2018 йилда 13 давлатга 8 миллион 927 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинган ва унинг кам фойзиди узум ва майиз ташкил қилган. 2019 йилда экспорт географиямиз кенгайиб, 20 та давлатга 13 миллион доллардан ортиқ, шундан қарийб 3 миллион долларлик узум ва майиз сотдик. Бу йилги пандемия шароитига қарамасдан экспортёрларимиз ҳозиргача 4,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилган бўлса, эндиликда Европа мамлакатларидан, хусусан Германия ва Австриядан ҳам майизга қизиқиш бўлаётганини ҳисобга олиб маҳсулотни кўҳна қитъага сотиш имкониятларини ҳам кўриб чиқяпмиз. Майизни қайта ишлаш, қадоклаш ва экспорт салоҳиятининг ортисида туманимизда хорижий сармоя иштирокида ташкил этилган логистика корхоналарининг улуши катта бўлмоқда. Қолаверса, бу йилдан пиллачилик соҳасида ҳам катта ўзгаришлар бўляпти. Аввал пилла фақат хомашё сифатида сотилган бўлса, эндиликда тайёр маҳсулот ҳолида сотиш режалари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

– **Камбағалликни камайтириш, бандлиқни таъминлаш, аҳолининг даромад манбаини шакллантириш борасида Иштихон туманида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

– Тумандаги 1715 оилага фермер хўжалиқларининг ғалладан бўшаган майдонларидан такрорий экин учун 500 гектардан ортиқ ер ажратилди. Шунингдек, камбағалликни қисқартириш, ишсизликни камайитириш учун 273 гектар ерда 9 та ишлаб чиқариш кооперативлари ташкил этилиб, қарийб 400 нафар кам таъминланган оиланинг бандлиги таъминланди, уларнинг ҳар бирига 2 миллион 230 минг сўмдан субсидия ажратилди.

Мисол учун, “Чуқуқул балиғи” ишлаб чиқариш кооперативига 22,7 гектар ер майдони ажратилиб, 48 нафар ишсиз фуқаронинг ҳар бирига қарийб 50 сотихдан ўлчаб берилди. Ер шароитини ҳисобга олган ҳолда шולי экиб берилди ва тажриба тариқаида шוליзорда балиқ чавақларини етиштириш тажрибаси амалга оширилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, шולי ўртача 80 центнердан ҳосил берганда ҳам ҳар бир оила камида 3 тонна тайёр гуруч олади. Яъни камида 30 миллион сўм даромадга эга бўлади. Бу оилаларни камбағалликдан чиқаришнинг энг мақбул йўлларида бири ҳисобланади. Оилалар даромадини ошириш ва бандликни таъминлаш борасида

янги йўналиш ва имкониятларни ҳам кўриб чиқяпмиз. Бунга туманда шафран гули етиштиришни мисол қилишимиз мумкин. Бу ўсимликнинг маданий ва ёввойи навлари бор. Кўпчилик шафраннинг маданий нави билан шўғулланади, ҳақиқатда бу наванча қиммат ва унинг уруғини олиш ҳам катта харажат талаб этади. Лекин кейинги икки-уч йилда унинг ёввойи навини кўп хонадонларда экиб, даромадини кўрдик. Бунда ҳеч қандай ортиқча харажат талаб қилинмайди, ўғит берилмайди, фақат экишдан олдин бир марта суғорилади. Яна бир афзал томони бу ўсимлик февраль ойида экилиб, июль-августда гули териб олинади, ўрнига такрорий экин экса ҳам бўлади. Шу боис, бу йил 100 дан ортиқ хонадондаги 3 гектар майдонга шафран экидик. Ҳисоб-китобларга кўра, 1 сотихга экиладиган шафран уруғи бугунги кўнда 1000 сўмга ҳам бормайди, лекин шу майдондан камида 5 килограмгача шафран гули олиш мумкин. Бу гулнинг 1 килограмми маҳаллий бозорларда 500 минг сўм, айрим жойларда 600-700 минг сўмдан ҳам сотиляпти. Агар ўртача ҳисоблаганимизда ҳам 1 сотихдан 2 миллион 500 минг сўм даромад олиш мумкин. Шунинг учун биз 2021 йилда барча камбағал оилага етадиган даражада шафран уруғини жамғардик. Улар камида 5 сотихдан шу ўсимликни экади ва биз унинг уруғини бепул етказиб берамиз. Режага кўра, 2021 йилнинг якуни билан туманимиздаги кам таъминланган оилаларнинг асосий қисми камбағалликдан чиқади.

– **Кўп йиллардан буён туманни бошқараётган ҳоким сифатида Иштихоннинг энг оғир ва яхши томонларини нимада кўрасиз?**

– Иштихонликлар аввалдан ҳам тадбиркор, ишбилармон, меҳнаткаш халқ. Қайси соҳада бўлса ҳам изланувчанлиги, ҳалоллиги белгиланган, уларнинг ҳар бирига 2 миллион 230 минг сўмдан субсидия ажратилди. Мисол учун, “Чуқуқул балиғи” ишлаб чиқариш кооперативига 22,7 гектар ер майдони ажратилиб, 48 нафар ишсиз фуқаронинг ҳар бирига қарийб 50 сотихдан ўлчаб берилди. Ер шароитини ҳисобга олган ҳолда шולי экиб берилди ва тажриба тариқаида шוליзорда балиқ чавақларини етиштириш тажрибаси амалга оширилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, шולי ўртача 80 центнердан ҳосил берганда ҳам ҳар бир оила камида 3 тонна тайёр гуруч олади. Яъни камида 30 миллион сўм даромадга эга бўлади. Бу оилаларни камбағалликдан чиқаришнинг энг мақбул йўлларида бири ҳисобланади. Оилалар даромадини ошириш ва бандликни таъминлаш борасида

– **Самимий сўхбатингиз учун раҳмат! Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ сўхбатлашди. Бахтиёр МУСТАНОВ фото.**

РЕКЛАМА, ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРИШЛАР

Каттақўрғон туманидаги Мирзо Улуғбек номли маҳаллада Камолиддин Санаев раҳбарлик қилаётган «Отажон ширинликлари» оилавий корхонасида сутни қайта ишлаш цехи ташкил қилинди. Корхонада қатик, сметана, қаймоқ, бринза, творог, қуюлтирилган сут, пишлоқ қаламчалари, шунингдек, 36 турда музқаймоқ тайёрланмоқда.

– Дастлаб фаолиятимизни нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан бошлаганмиз, – дейди оилавий корхона раҳбари К.Санаев. – Кейинчалик бозор талабидан келиб чикиб ширинликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Тадбиркорларга берилаётган имкониятлардан фойдаланиб фаолиятимизни кенгайтиряпмиз. Яқинда корхонамиз қошида сутни қайта ишлашни йўлга қўйдик. Цехимизда Хитойдан келтирилган замонавий ускуналар ёрдамида кунига 2 минг литр сут қайта ишланмоқда. Келаси йил корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш, цехларимизда тайёрланаётган маҳсулотларни қадоқлаш учун керак бўладиган картон қутиларни ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Бунинг учун Хитой давлатидан ускуналар келтирилади. Натижада яна ўндан ортиқ иш ўринлари яратилади.

Жаҳонгир САФАРОВ.



Халқ қабулхонаси халқ хизматида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жойларда ташкил этилган Халқ қабулхоналари аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Ургут туманидаги Халқ қабулхонасида ҳам одамларнинг дарди тингланмоқда. Бир неча ташкилотлар орқали битадиган масаласи билан борган кишининг иши шу ернинг ўзида ҳал этиляпти.

Масалан, ургутлик ёш тадбиркор Шухрат Сайфиев қишлоқ ҳўжалиги техникаларини таъмирлаш устaxonаси очиш учун бир йил сарсон бўлди. Халқ қабулхонасига мурожаат қилгандан сўнг муаммо қисқа фурсатда ечимини топди. Тадбиркорга ер ажратилиб, фаолият бошлаши учун зарур ёрдам кўрсатилди. 6 минг АҚШ доллари миқдоридagi маблағ эвазига ишга тушган устaxонада 5 нафар ёш йигит иш билан таъминланди.

Халқ қабулхонаси ходимлари карантин даврида оилавий шароити оғир, даволанишга муҳтож бўлган кексаларнинг ҳам дардини эшитиб, йўл-йўриқ кўрсатмоқда. Жўмладан, ана шундай кекса фуқаролардан бири Анора Муқимовага ҳам даволаниши учун зарур бўлган дори-дармонларнинг 30 фоизи бепул берилишига кўмаклашилди.

Равшан СОЛИЕВ,
Ургут тумани.

РЕКЛАМА, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбop / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 304-сонли қарорига мувофиқ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

2021 йил учун таянч докторантурага (PhD), докторантурага (DSc) куйидаги ихтисосликлар бўйича танлов эълон қилади:

Т/р	Ихтисослик шифри ва номи	2021 йил учун ажратилган квота	
		Таянч докторантура (PhD)	Докторантура (DSc)
1	01.01.01 - Математик анализ	1	
2	01.01.02 - Дифференциал тенгламалар ва математик физика	1	
3	01.01.06 - Алгебра	1	
4	01.02.04 - Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси	1	
5	01.02.05 - Суюқлик ва газ механикаси	1	
6	01.03.01 - Астрономия	1	
7	01.04.09 - Магнит ҳодисалари физикаси	1	
8	01.04.02 - Назарий физика	1	
9	01.04.05 - Оптика	1	
10	01.04.08 - Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи техника	1	
11	02.00.01 - Ноорганик кимё	1	
12	02.00.02 - Аналитик кимё	1	
13	02.00.03 - Органик кимё	1	
14	02.00.04 - Физик кимё	1	
15	02.00.06 - Юқори молекуляр бирикмалар кимёси	1	
16	02.00.12 - Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология	1	
17	03.00.05 - Ботаника	1	
18	03.00.07 - Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси	1	
19	03.00.08 - Одам ва ҳайвонлар физиологияси	1	
20	03.00.13 - Тупроқшунослик	1	
21	03.00.12 - Биотехнология	1	
22	05.01.02 - Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш	1	
23	05.01.07 - Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи	1	1
24	06.01.08 - Ўсимликшунослик	1	
25	07.00.01 - Ўзбекистон тарихи	1	
26	07.00.03 - Жаҳон тарихи	1	
27	07.00.06 - Археология	1	
28	07.00.08 - Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари	1	
29	08.00.10 - Демография. Меҳнат иқтисодиёти	1	
30	09.00.01 - Онтология, гноселогия ва мантиқ	1	
31	09.00.04 - Ижтимоий фалсафа	1	
32	10.00.01 - Ўзбек тили. Ўзбек адабиёти	1	1
33	10.00.05 - Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти	1	
34	10.00.06 - Киёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик	1	
35	11.00.01 - Табиий география	1	
36	11.00.02 - Иқтисодий ва ижтимоий георафия	1	
37	11.00.03 - Қуруқлик гидрогеологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё	1	
38	13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи	1	
39	13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (таълим соҳалари бўйича)	2	
40	13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси	1	
41	19.00.05 - Ижтимоий психология. Этнопсихология	1	
42	22.00.02 - Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи	1	
ЖАМИ		43	2

Хўжжатлар 2020 йил 15 октябр-гача қабул қилинади.

Таянч докторантурага ўқишга талабгорлар куйидаги хўжжатларни <http://phd.mininnovation.uz/> сайти орқали онлайн рўйхатдан ўтказиб, илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимига тақдим этадилар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белги-ланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, олий маълумоти (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари

тегишли хўжжат нусхасини тақдим этадилар.

Докторантурага ўқишга талабгорлар куйидаги хўжжатларни <http://phd.mininnovation.uz/> сайти орқали онлайн рўйхатдан ўтказадилар ҳамда илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимига тақдим этадилар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белги-ланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий маълумоти, фан номзоди ёҳуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган

ҒИШТ ЗАВОДИ СОТИЛАДИ

Паст Дарғом тумани Гўзалкент кўрғонида жойлашган 2010 йилда қурилган, ҳозирда ишлаб турган ғишт заводи зудлик билан сотилади. Умумий ер майдони 10 га., 24 камерали хумдон, 45/45 пресс, 2 дона "HOWO" юк машинаси, 1 дона "CHANGLIN" погрузчик, 2 та айвон ва АБК биноси. Электр таъминоти ва сув иншоотлари мавжуд. Мурожаат учун телефон: **99-438-82-24.**

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 29 январда 807578 реестр рақами билан рўйхатга олинган «GMS-MARKET» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «GMS-MARKET» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 21 сентябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Нарпай кўчаси, 77-«А» уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 307078198.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 22 августда 883861 реестр рақами билан рўйхатга олинган «SHUKRONA-SAMARQAND-SAVDO» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «SHUKRONA-SAMARQAND-SAVDO» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 21 сентябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри М.Умарова кўчаси, 19-«А» уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 307662818.

Самарқанд шаҳар «Ягона дарча» марказидан 2015 йил 1 декабрда 088 реестр рақами билан рўйхатга олинган «NASRIDDINOV FAZLIDIN» оилавий тадбиркори (қисқартирилган номи: «NASRIDDINOV FAZLIDIN» ОТ) тадбиркорнинг 2020 йил 18 сентябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда ўз иш фаолиятини тугатмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Булунғур туманидаги 30-ўрта мактабдан 1996 йилда Саттарова Умида Тугаловна номига берилган UZA № 047471 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институтидан 2005 йилда Хайитова (ҳозирда Номазова) Ирода Халиёровна номига берилган В № 019890 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги Каримов Икром Абдурафикович яққа тартибдаги тадбиркорининг (СТИР: 495108524) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Бекмуродов Сўхроб Саидалиевич номига берилган U № 4295746 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тадбиркорнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Даҳбед кўчаси, 14-уй.

Тадбиркорнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 443042659.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 29 августда 886523 реестр рақами билан рўйхатга олинган «MEXROJBEEK-OIL» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «MEXROJBEEK-OIL» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 21 сентябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Қозизода Румий кўчаси, 1-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 307684164.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 11 ноябрда 1094099 реестр рақами билан рўйхатга олинган Искандаров Абдукарим Утқурович яққа тартибдаги тадбиркори (қисқартирилган номи: Искандаров А.У. ЯТТ) тадбиркорнинг 2020 йил 21 сентябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда ўз иш фаолиятини тугатмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Тадбиркорнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Даҳбед кўчаси, 14-уй.

Тадбиркорнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 619426739.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасида марҳум Раджабова Фаина Кузминичнага (2005 йил 1 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан мерос иши очилмоқда. Шу муносабат

билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 17-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасида марҳум Ханзадаева Мансума Зияевнага (2018 йил 16 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 52-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Юнусов Акбаржон Пулатовичга (2020 йил 21 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасида марҳум Ахтамов Аълам Азамкуловичга (2020 йил 26 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Ўрташиқ маҳалласи.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пулатович нотариал идорасида марҳум Убайдуллаева Робияга (2020 йил 7 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Тоштемиров Алишер Пулатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳри Обод кўчаси, 35-уй, 3-хона.

Самарқанд давлат тиббиёт институти ректорати ва касаба уюшма кўмитаси институт ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедраси доценти

Сайфулла СУЮНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд давлат чет тиллар институти ректорати ва касаба уюшма кўмитаси институт ўқув ишлари бўйича проректори Фазлиддин Рўзикуловга отаси

ШУКУР БОБОнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат университети академик лицейи жамоаси лицей табиий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси Даврон Мамаражабовга онаси

Мария МАМАРАЖАБОВанинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Самарқанддаги қадимги билим масканлари

Таниқли тадқиқотчилардан бири Адам Мецнинг маълумотига кўра, ислом мамлакатларидаги энг биринчи билим масканлари – мадрасалар IX–X асрларда шарқнинг йирик маданий марказлари Самарқанд, Бухоро, Балх ва Нишопурда пайдо бўлган.

Самарқандда бундай мадраса ва мадрасаи олияларнинг майдонга келишида асосий омиллардан бири ислом цивилизациясининг етук мутахассисларга бўлган катта эҳтиёжи бўлса, иккинчиси, унинг ўша давр маданий, илмий, иқтисодий ва тижоратда тутган катта мавқеида ҳам эди. X аср мўаллифлари қайд этишларича, ўша даврдаги бутун шарқда Самарқанднинг мавқеи ниҳоятда баланд эди. 982-983 йилларда ёзилган, муаллифи номаълум “Худуд ал-олам” номли жуғрофий асарда Самарқанднинг катта ва обод шаҳарлиги, унда бутун жаҳондан тижоратчилар тўпланиши ва бу ерда ишлаб чиқарилган қоғоз турли томонларга олиб кетилиши айтилади.

X аср бошларида Сомониylар даврида вазирлик лавозимида ишлаган Абу Абдуллох ибн Аҳмад Жайхоний (вафоти 941 йил) ўзининг “Ашкол ал-олам” номли араб тилида ёзган асарида Самарқанд ахлининг доимий одоби работлар қуриш, хайриялар бериш, масжид ва мадрасаларга вақф сифатида мол-давлатларини сарф этишдан иборат эканлигини қайд этади.

Мадрасаларда кутубхоналар бўлиб, уларда ўқув жараёни, илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун хизмат қиладиган қўлэзма манбалар мавжуд бўлган. Шунинг натижасида ўша даврдаги илмий-маданий ва адабий ҳаётнинг

ҳолати, ундаги аллома ва шоирларнинг илмий-адабий мероси ана шу мадрасалар фаолиятининг махсули сифатида намоён бўлади.


“Ғиёс ул-луғат”да мадраса дарс ўқиш жойи тарзида изоҳланса, 1871 йилда Л.Будагов томонидан тузилган туркий сўзлар луғатида “мадраса - гимназия, олий ўқув юрти, масжид қошидаги семинария тарзида изоҳланиб, мадрасаи улум - университет”, деб шарҳланади.

Олий таълим даргоҳи ўрта махсус билим юртлари - мадрасалардан фарқ қилиб, таълимнинг олий босқичи мадрасаи улум деб аталган. Улар ҳозирги университет мақомида мадрасаи улум, мадрасаи олия, деб номланган ва олий таълим муассасаси сифатида ўз замонининг университети мақомида бўлган.

Маълумотларга кўра, X асрнинг охирига келиб Самарқандда 17 та мадраса ва булар орасида мадрасаи олия мақомига эга бўлган мадрасалар ҳам мавжуд эди. Шаҳарда мадрасаларнинг сони XI–XII асрларда ва XIII аср бошида орта боради ва уларнинг фаолияти ҳам ривожланади, XII–XIV асрлар мўғул истилоси даврида аксарият мадрасалар ёпилди. Самарқандда фан ва маданиятнинг

янгидан тўғилиши Амир Темури ва унинг набиралари Муҳаммад Султон ва Мирзо Улуғбек номи билан боғлиқ. Соҳибқирон Амир Темури Самарқандни пойтахт сифатида танлаганидан сўнг, унинг ҳар жиҳатдан мукаммал ва намунали бўлишига алоҳида эътибор қаратган. Бу ҳол таълим тизими муассасаларидан бўлмиш мадраса ва мадрасаи олияларни қуриш, уларни етук аллома, мударрислар билан таъминлаш ишида ҳам яққол кўзга ташланади. Шу даврда Амир Темурининг амирларидан Идику Барлос, Шоҳмалик, Ферузош, малика Сароймулхоним – Бибиҳоним ва набиралари Муҳаммад Султонлар томонидан қатор мадрасалар, жумладан, мадрасаи олиялар қурдирилган. Кейинчалик бу фаолиятни Амир Темурининг набираси Мирзо Улуғбек кенг қўламда ривожлантирди, жаҳонга машҳур илмий кашфиётларни майдонга келтирган мадрасаи олия ва расадхона мажмуасини бунёд этди. Муҳаммад Султоннинг Амир Темури мақбараси комплексига кирган мадрасаси 1398–1401 йилда қурилган, Мирзо Улуғбекнинг мадрасаи олияси 1417–1420 йилларда Регистонда ва иккинчи мадрасаси ундан бироз кейин Амир Темури мақбарасида, Муҳаммад Султон мадрасасининг қаршисида (ўнг тарафда) қурилган. Мирзо Улуғбек таъсис этган биринчи мадрасаи олиянинг фаолияти қурилганидан 1918 йилгача давом этган. Афсуски, 1918 йилда большевиклар ҳукуматининг қарори билан Самарқанддаги барча мадрасалар фаолияти тўхтатилган.

XX асрда совет ҳукумати Самарқанднинг қадимийлиги, илмий ва маданий



салоҳиятини ва Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Қўлпон каби зиёлиларнинг матбуотда тўхтовсиз чиқишларини эътиборга олган ҳолда республика пойтахти Самарқандда 1924 йилда педагогик йўналишдаги икки йиллик олий ўқув юртини очиш ҳақида қарор қабул қилади. Шундай қилиб, XX асрда янги шакл ва мазмунда Улуғбек мадрасаи олиясининг ҳақиқий вориси бўлмиш Самарқанд давлат университетининг қайтадан шаклланишига асос яратди. Шундан сўнг, Самарқандда 1927 йил Педакадемия майдонга келиб, кейинчалик, 1930 йилда Самарқанд Олий педагогика институти Ўзбекистон давлат педагогика институти, 1930 йилда Ўзбекистон педагогика академияси деб аталди. 1933 йили у Ўзбек давлат университети ва 1960 йилдан Самарқанд давлат университети деб номланди.

Ҳозирги кунда Самарқанд давлат университети Мирзо Улуғбек мадрасаи олиясининг бевосита вориси бўлиб, унинг таъсис этилиш тарихи ҳам 1420 йилга Мирзо Улуғбек мадрасаи олиясининг таъсис этилиш санасига бориб тақалади. Бу гап Бухоро, Хива, Тошкентда аввалда мавжуд бўлган мадрасаи олиялар ва уларнинг ворислари бўлмиш университетларга ҳам тааллуқлидир.

Тоҳир МАҲМУДОВ, Илҳом ҚУРБОНБОВ, Самарқанд давлат университети ўқитувчилари.



“Майдон томошалари”

Дам олиш кунларини мазмунли ташкил этиш ҳамда аҳолига хушқайфият улашиш мақсадида эндиликда юртимизда ҳафтанинг ҳар шанба ва якшанба кунлари “Майдон томошалари” фестивали ўтказилади. Ўтган дам олиш кунлари Самарқандда ҳам илк бор ушбу фестиваль ташкил этилди.

- Томошалар Самарқанд шаҳрининг Қорасув массиви “Обод маскан” маҳалласида, вилоят мусикали драма театри олдидаги саҳнада, Регистон майдони, Кимёгарлар шаҳарчасидаги 1-сон марказий маданият маркази ҳамда барча шаҳар, туманлардаги истироҳат боғларида ташкил этилди, - дейди вилоят маданият бошқармаси матбуот хизмати раҳбари Рустам Ҳайитов. - Таниқли эстрада хонандалари, театр актёрлари, мақом ижрочилари, бахшилар, “Чавқи”, “Бешқарсақ” ва “Сарбози” фольклор-этнографик ансамбллари, “Шашмақом-Сўғдиёна”, “Жомбой тароналари”, “Зарбулоқ”, “Сайқал”, “Оқ олтин” каби ашула ва рақс жамоаларининг чиқишлари, саҳналаштирилган театр томошалари халқимизнинг қалбига хушқайфият улашиб, уларнинг дам олиш кунлари мароқли ўтишига хизмат қилди.

Фестивал карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда ўтказилди.

Ҳаёт сабоқлари

Ҳасад оловида дастлаб ҳасад-гўйнинг ўзи куяди.

Фақат ўзим бўлай деган киши ёлғиздир.

Бировга сир айтган киши ўзи қўйган тузоққа тушади.

Шогирдига нисбатан беғараз ва самимий бўлган кишигина ҳақиқий устоздир.

Бефаросатнинг бир кўзи, билимсизнинг икки кўзи кўр.

Ўринбой НОРМАТОВ.

Бизда “Жаҳолатга қарши маърифат” деган адолатли, инсонпарвар шиор-тамойил мавжуд. Ҳавас қилгулик даражада бағрикенглик. Айни пайтда, “Жиноятга жазо муқаррар”, деган конституцион-қатъий қонуний талабимиз ҳам бор. Ҳар иккаласи ҳам, адолатли, инсонпарвар даъватлардир.

Рағбат ҳам, танбеҳ ҳам тарбиядир

Агар, уларни ёнма-ён қўйиб, қай бири муҳимроқ, дея савол қўйилса, табиийки, қўпчиликка биринчиси маъқул кўринади. Умуман олганда, бу тамойил олийжаноб, мард, танти бўлиш билан бирга, қўп ўринларда, хато-камчиликка йўл қўйган, пушаймондаги банданинг кўзи очилишига, тавба қилиб қайта тикланиши учун ҳам имкониятдир.

Аммо афсуски, бу эзгу умидни хато қилганларнинг (кечирилганларнинг) ҳаммаси ҳам оқлайвермаяпти-да! Шу ўринда, арқонини узунроқ ташлаб, масалани чуқурроқ ва кенгроқ муҳокама қилсак...

Аввало, хатодан қафолатланган, холи одам йўқ. Буни доим ёдда тутмоқ лозим. Аммо ким ва қандай вазиятда, қандай хато қилди? Ушбу ҳолатни муфассал ўрганиб хулоса қилмоқ керак эканлигига амин бўляпмиз. Маълумки, хато-камчиликка одам икки ҳолатда йўл қўяди. Ўз-ўзидан аёнки, онгли тарзда, кўра била туриб, хатога йўл қўйган одам, худбин, мунофиқ, бадахлоқ кимсадир. У жамиятга, элга содиқ, ишончли дўст эмас. Чунки у, онгли тарзда, аниқ мақсадини кўзлаб хатога йўл қўйди. Қолаверса, бу нуқсон, унинг феълида – табиатидаги мавжуд хусусият-иллат бўлиб, хато-камчиликлар унинг турмушида мунтазам рўй бериб турган, уни тузатишга кўзим етмайди.

Ҳатто ўз хоҳиши билан, онгли тарзда ўз Ватанига хоинлик қилиб, оиласи билан террористлар томонга, катта пул ва бойлик илнжида ўтиб кетган иймони, виждони йўқ нокасларга ҳам, адашибди дея, жазо ўрнига, мурувват кўрсатиб, яхшилик қилишни тасаввурга сиғиши қийин. “Қилмиш-қидирмиш” – ҳаётнинг азалий яшаш қонуниятларидан биридир. Айнан шунга ўхшаш – камбағаллик ва ночорлик ҳам ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Бундай ҳолни юзага келтирадиган сабабларни ҳам обдон ўрганиб хулоса чиқариш зарур.

Камбағалликнинг ҳам иккита асоси бор. Биринчиси, рўзгор боқувчисининг йўқлиги ёки касалмандлик, ногиронлик каби ишлаш қобилияти бўлмаган оилаларнинг қашшоқлиги муқаррар бўлиб, бундай оилалар байрамлар ёки favқулоддаги вазиятларда амалга ошириладиган бир марталик тадбирлар билангина эмас, балки улар, давлат ва ҳокимият ташкилотларининг доимий назоратида ва ҳоимийлигида бўлмоғи керак. Иккинчи тоифадаги қашшоқлик сабаби эса, иш ёқмаслик, ялқовлик, дангасалик бўлиб, “берсанг ейман, урсанг ўламан”, деб юрган, тўрт мучаси соғ, ўларман, текинга ўрганиб қолганлардир.

Хуллас, бундай қавми камбағал санаб, доимий ёрдам кўрсатиш керак эмас. Негаки, аввало, уларнинг қўпчилигида иш объекти ҳам, меҳнат қуроллари ҳам мавжуд. Керак бўлса, қорнининг сувини қимирлатиб, меҳнат қилиб яшасин. Ошиб борса, меҳнат шароити яратиб беришингиз мумкин. Аммо ҳаракат қилишни ўзига қўйинг – туяга янтоқ керак бўлса, бўйинини чўзади.

Меҳнатнинг нони тотли ва баракали бўлади. Айтаётганимиз гофил-жоҳил бандалар ҳам, ўз манглай тери билан топган неъматларидан бир-икки баҳраманд бўлгач, қўпинча, мутлақо бошқача одамга айланиб, ўзгариб кетиши ҳам мумкин... Асосийси, аравини жойидан кўзаб, юргизиб юборишдир.

Шундай қилиб, рағбат ҳам, танбеҳ ҳам, адолат қондасидаги энг таъсирчан тарбиявий омиллардир.

Нуриддин БОБОҚАНДОВ.

Театрга йўл болалар театридан бошланади

Вилоят қўғирчоқ театрининг 42-мавсум очилиши ўзгача руҳда ўтди. Сабаби карантин туфайли узоқ чўзилган танаффусдан сўнг болаларнинг театр томошасига бўлган соғинчи уларнинг шодон табассумида акс этиб турарди.

- Бу йилги мавсумни “Мақтанчоқ жўжа” спектакли билан очдик, - дейди театр раҳбари Искандар Султонов. - Эртак қаҳрамонларининг кўнгилочар дастурлари, масҳарабозларнинг қўвноқ рақслари театрда келган ҳар бир жажжи томошабин қалбига завоқ бағишлади. Мавсум давомида ёш томошабинларга бир қатор янги асарлар тақдим этиш ниятидамиз.

Гули ШАЙМАНОВА.

Ички, лекин жуда катта душман

Хўжа Аҳмад Яссавий туркий халқларнинг атоқли мутафаккири, улўғ шоирдир. Аҳмад Яссавий тасаввуф илмини чуқур эгаллайди.

«Ҳикматлар» Аҳмад Яссавий меросини жамлаган асардир. Унда 240 га яқин шеър бор. Асар халқ орасида «Девони ҳикмат» номи билан машҳур бўлган.

Шоир ҳикматлари негизида таълим-тарбия, ёшларнинг ахлоқий шаклланиши, инсонпарварлик, Яратганга ҳамд-у сано, инсоф, адолат, диёнат ва шулар орқали инсоннинг ўзини-ўзи тарбиялаш ғоялари ётади. Яссавий ҳикматларининг бош ғояси нафсни енгишдир.

Нафсдин кечиб, қаноатни пеша қилгон,

Ҳар ким топса, рози бўлиб, бўйин сунгон,

Яхшиларга хизмат қилиб дуо олгон,

Андоқ ошиқ махшар қуни армони йўқ.

Аҳмад Яссавий мутасаввуф шоир. Тасаввуфдаги тўрт асосий босқич: шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат моҳиятини шеърый мисраларига сингдирган. Адиб тасаввуфни инсон маънавиятини юксалтирувчи восита сифатида билади. Шоир ҳамма вақт нафсдек балойи азимни енга олмаган одамга ачинади, унга танбеҳ беради. Нафсини жиловлаган одам сабр-қаноатга эришади.

Кимки ўз нафсининг қулига айланса,

ўз «душмани»ни вақтида англаб етмаса, у киши эл орасида қадр-қимматини йўқотади, эътибордан четда қолади. Шоир бу ҳақда ёзган ҳикматларидан бирида «Нафсимани йўлдан уриб хор айлади, термултуруб халойиққа зор айлади» дея огоҳлантиради. Ҳар доим нафс ҳақида гапирганида уни инсоннинг камолотига ҳалақит берадиган ёвуз ва ярамас куч деб атайди.

Яссавийнинг хулосалари шуки, нафс - ички, лекин жуда катта душман. У инсондаги бутунлиқни синдиради. Унинг амрларидан маънавий осойишталик йўқолади.

Наргиза АСЛИЕВА,

Оқдарё туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.



Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2



© МУАССИСЛАР:
халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр 100. Индекс 438.
10 604 нускада чоп этилди. Бюрогма 540

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53. БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета “Зарафшон” таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Ношир люкс” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир:
Ё.МАРҚАЕВ.
Навбатчи:
Т.СИДДИҚОВ.
Саҳифаловчи:
Б.АБДУЛЛАЕВ.
Сотува нархи келишилган ҳолда

